O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# ҚУВОНЧ ЎТКИНЧИ, МУСТАҚИЛЛИК АБАДИЙ!

Куч—адолатда

# Адолат

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган • 1999 йил, 27 август, № 30 (223) • Жума кунлари чиқади • Сотувда эркин нархда

**● Бизга берилган имконият юз йилда бир марта келиши мумкин. Асосий масала шундан иборатки, мустақилликни сақлаб қолишимиз, уни келажак авлодларга омон етказишимиз, қадрини тўғри тушунишимиз лозим.**

**Ислом КАРИМОВ.**

● *Қутлов*

## «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА, ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИГА, БАРЧА ХАЙРИХОҲЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз юртдошлар, ҳурматли партиядошлар! Яна тўрт кундан сўнг Мустақиллигимизнинг 8 йиллигини тантанали нишонлаймиз. Бу халқимизнинг энг суюкли, энг ардоқли байрами. Чунки бундан роппа-роса саккиз йил бурун ота-боболаримиз, авлод-аждодларимиз йиллаб орзу қилган улуғ неъматга муяссар бўлдик. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритди.

Бу мустақиллик айримлар айтганидек, ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Бу шўролар инқилобига қарши курашганлар, унинг мустабид тузумига қарши турганлар, жон фидо қилганлар қони, жони самараси, қолаверса, ҳақиқий ватанпарварлар, элпарвар инсонларнинг саъй-ҳаракати натижасидир.

Ўз халқини, Ватанини севган ҳар бир инсон унинг равнақи, порлоқ келажаги учун бўлаётган курашдан ўзини четга тортиб туролмайди. Тўғри, ҳозир юртимизда буюк ўзгаришлар содир бўлаяпти. Нурли истиқбол, буюк келажак сари ҳаракат давом этмоқда.

Аммо ушбу жараённи тезлатиш, давлатимизнинг тезроқ буюк бўлиши, халқимиз дастурхонининг қисқа вақтда тўкин бўлиши ҳаммамизга, ҳар биримизга, қолаверса, сиёсий партияларнинг ҳам фаол фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Ана шу эзгу йўлда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг ҳам жамият ҳаётида ўз ўрни, ўз мавқеи бўлмоғи керак. Шундай бўлаяпти ҳам. Партия жамиятнинг ўрта табақаларини ҳар томонлама ривожланган ҳуқуқий жамият қуриш ишига сафарбар этиш, бу йўлда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этишга ҳаракат қиляпти.

Қилган ишларимиз аҳоли ўртасида эътироф этилаётганлиги, одамларнинг олқишига сазовор бўлаётганлиги ҳар қадамда сезилиб турибди. Аммо бу ҳали дастлабки қадамлар. «Адолат» социал-демократик партияси—чинакам халқ партиясидир. У фақат халқ манфаатлари учун хизмат қилади.

Шундай экан, партия ўз иш услубларини янада такомиллаштириб, кенг меҳнаткашлар оммаси фаровонлиги, унинг ҳуқуқий манфаатлари кафолатини таъминлаш йўлида бор куч ва ғайратини аямайди.

Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган ташқи ва ички сиёсатни тўла қўллаб-қувватлайди, ҳуқуқий демократик давлат қуришга, қонун устуворлигини таъминлашга, халқ фаровонлигини оширишга, тинчлик ва барқарорликни, энг муҳими мустақилликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшади.

Ўзбекистон халқининг улуғ байрами арафасида биз бутун Ўзбекистон аҳолисини, партия аъзоларини, барча хайриҳоҳларни қизғин табриклаймиз. Ислоҳотларни амалга оширишда муваффақиятлар тилаб қоламиз!

Улуғ байрам муборак бўлсин азиз юртдошлар!

**Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

***Давлат ва халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги улкан фаолияти, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки ҳамда миллий истиқлол ғояларини амалга оширишга қўшган салмоқли ҳиссаси ва қаҳрамонона меҳнатлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, Олий нишон «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:***

**Воҳидов Эркин** — Ўзбекистон халқ шоири

**Исматова Мавлюда**— Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Юнусобод тумани 273-ўрта мактаб директори, Тошкент шаҳри.

**Раҳматова Мартия Ахмедовна** — «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти 1-йигирув-тўқув фабрикасининг йигирувчиси, Бухоро вилояти

**Саид Аҳмад (Ҳусанхўжаев Саид Аҳмад)** — Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**Умаров Улуғбек Юнусович** — Фарғона автомобил йўлларидан мунтазам фойдаланиш бошқармасининг автоскрепер ҳайдовчиси, Фарғона вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 25 август.



Воҳидов Эркин



Исматова Мавлюда



Раҳматова Мартия Ахмедовна



Саид Аҳмад (Ҳусанхўжаев Саид Аҳмад)



Умаров Улуғбек Юнусович

Тўхтамурод ЖЎРАЕВ

## ЎЗБЕКИСТОН — ЖОНИМСАН

Сенга атай бир қўшиқ,
Ўзбекистон — жонимсан.
Куйлайин жўшиб-жўшиб
Эътиқод, иймонимсан.

Сувларинг ҳам шифобахш,
Маъданларга тўлиқсан.
Кошонанг кўп заррин нақш,
Юртлар ичра бўлиқсан.

Ёвуз ният ила ким
Назар солса бахтингга
Топгай жазо, илоҳим,
Етолмас ҳеч тахтингга

Армонларинг ушалсин,
Бахти баланд ватаним.
Пойингга гул тўшалсин,
Тахти баланд ватаним.

Ишонаман бўласан,
Буюк давлат, албатта,
Куч-қудратга тўласан,
Чунки куч — адолатда!

Метин каби бардоши
Шиддати Темурсимон,
Омон бўлсин юртбоши,
Оташ юрак мард инсон.

## ҚУТҚАРУВЧИЛАР ИШ БОШЛАШДИ

***Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Матбуот марказининг хабар қилишича, Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг шу йил 23 август куни Истанбулга етиб борган авария-қутқарув гуруҳи Туркия Бош вазирининг танг вазиятларни бошқариш марказининг қарорига биноан қидирув ва авария-қутқарув ишларини бажариш учун Апазор вилоятининг Сакария шаҳрига юборилди.***

Бу шаҳар Истанбулдан 150 километр масофада жойлашган бўлиб, аҳолиси 150 минг кишини ташкил этади. Зилзила натижасида шаҳарда тахминан 3100 га яқин киши ҳалок бўлган ва 6500 киши жароҳатланган.

Қутқарувчиларимиз 24 август куни эрталаб тирик одамлар бўлиши эҳтимол тутилган жойларда жабрланганларни излашга киришдилар. Бу вазифани ҳал қилиш учун қидирув-қутқарув ишларини кечаю-кундуз давом эттиришга имкон берадиган асбоблар билан жиҳозланган иккита махсус авария-қутқарув машиналаридан фойдаланмоқда. Эпидемиология вазиятининг оғирлашаётгани қутқарув ишларини қийинлаштиради.

Ўзбекистон қутқарувчилар гуруҳининг шифокори И. Йўлдошев маҳаллий маъмурларнинг илтимосига биноан шаҳар шифохонасида жарроҳлик операцияларида иштирок этмоқда. Қутқарувчиларимиз билан маҳаллий ҳокимият органлари ва шаҳар аҳолиси ўртасида ўзаро ишонч муносабатлари вужудга келмоқда.

Ўзбекистонлик қутқарувчиларнинг Туркияга етиб бориши Туркия оммавий ахборот воситаларида ижобий хабарлар чиқишига сабаб бўлди. «Йени шафақ», «Радикал», «Ҳуррият», «Дунё» ва бошқа маҳаллий газеталар Ўзбекистондан қутқарувчилар ва мурувват ёрдами етиб келгани ҳақида батафсил ахборотларни босиб чиқарди.

Самарқанддаги «Самкочавто» автомобиль заводининг муассисларидан бири — Сакария шаҳрида жойлашган Туркия заводи қутқарувчиларимиз ишига кўмаклашмоқда.

Қидирув-қутқарув ишлари олиб борилаётган жойда 24 август куни Гринвич вақти билан соат 19 дан 45 дақиқа ўтганда тўрт балл куч билан ер силкингани қайд этилди.

Ўзбекистонлик қутқарувчилар ишни давом эттирмоқдалар.

(ЎзА).

## СПОРТ «ЮЛДУЗ»ЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

***Ўзбекистон Мустақиллигининг саккиз йиллиги арафасида Жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитасининг ташаббуси билан Тошкентда мамлакатимиз спорти «Юлдуз»ларини шарафлаш маросими бўлди.***

*Давлат спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шавкат Тўлаганов тўпланганларни табриклар экан, мамлакатимиз мустақиллиги йилларида спортчиларимиз энг нуфузли халқаро мусобақаларда катта ютуқларни қўлга киритиб, ўз ғалабалари билан ватанимиз обрўсини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётганларини таъкидлади.*

*— Бутун республикамиз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўраётган шу кунларда биз, спортчилар, Ўзбекистон Президенти ва ҳукуматига самимий миннатдорлик изҳор қиламиз, — деди ёш полвон Дилшод Мансуров. — Чунки уларнинг ғамхўрлиги туфайли биз йирик халқаро мусобақаларда иштирок этиш имкониятига эга бўлдик. Мен дўстларим билан куни-кеча Австралиядан қайтиб келдим. У ерда бўлиб ўтган ўсмирлар орасида эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатида мен кумуш медални қўлга киритдим.*

*Бу муваффақиятимни ватанимиз мустақиллигининг саккиз йиллигига бағишлаб, барчани ишонтириб айтаманки, халқаро мусобақаларда мустақил Ўзбекистоннинг давлат мадҳияси тез-тез янграши учун мумкин бўлган ҳамма ишни қиламиз.*

*Ўзбекистон спорти «Юлдуз»лари учун таниқли эстрада артистлари иштирокида байрам концерти қўйиб берилди.*

*Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ*

## КАТТА БАХТ

Элда бордур сўнмас куч-қувват,
Шундан озод ҳалқим бақувват.
Бу тинчлигу бахтдан нишона,
Ярқирагай ҳар бир пешона.

Недан бунча шодумон халқи,
Нега баланд унинг қувончи,
Қайга кетди ундан қайғу-ғам,
Нега йўқдур қатра ғам-алам?

Қайдан эли қилар катта тўй,
Қураётир баланд-баланд уй,
Ким бергандир белларга қувват —
Ким кўрсатди улуғ мурувват?

Саккиз йилда юз йилларга тенг,
Қилиб олам аро бағрин кенг.
Буюк ишлар бажо айлади —
Йўлбошчисин билиб сайлади.

Ўша улуғ инсон иймонли,
Ҳар бир ишни қилар виждонли,
Унинг учун халқи улуғдур,
Унинг учун адолат нурдур.

У Ватаннинг ривожин берди,
Эзилган халқ кўкрагин керди.
Ана, қайдан, келди катта бахт,
Бир умрга синмагай бу тахт!

*Шарҳловчи минбари*

## ВАТАНГАДО ДАЙДИЛАРНИНГ АНДИШАСИЗ ХУРУЖИ

Қирғизистонда юз бераётган воқеаларни бундан ўзгача талқин этиш қийин. Чунки, миллатидан қатъий назар Боткентга кириб олган жангариларнинг барчаси беватан кимсалардир. Улар гоҳ Тожикистон, гоҳ Чеченистон, гоҳ Афғонистонда юриб қўпорувчилик бўйича махсус тайёргарликдан ўтган, ҳаётий мақсад, орзу-ҳавас, оддий инсоний ҳиссиётлардан маҳрум бўлган.

Жангариларнинг Боткентдаги андишасиз қилмишларини қандай изоҳлаш мумкин. Уларнинг ҳатти-ҳаракати, ҳақиқатан ҳам, ислом давлати, халифот ёки амирлик тузишга қаратилганми ё бу — даргумон. Чунки давлат тузиш - улуғ иш. Уни улуғ инсонлар халқ билан баҳамжиҳат мақсад қилади ва амалга оширади. Бу йўлда террористик қонли усуллардан фойдаланиш эса ҳеч қачон оқланмайди.

Хўш, унда жангарилар нима учун Боткентга кириб олди? Ё гап шундаки, Тожикистоннинг тоғли ҳудудларида уларнинг пайтавасига қурт тушди. Бирлашган тожик муҳолифатининг қуролли гуруҳлари соясида Тожикистон ҳукумати уларни деярли «кўрмаётган» эди. Лекин, сўнгги вақтларда вазият шунга етиб келдики, бирлашган мухолифат жангарилари учун ё қуролни топшириш ёки яксон бўлишдан бирини танлашга тўғри келиб қолди. Бу эса беватанларни яшириб турган кўлка очила бошлади, деган гап эди. Улар ўзлари учун «ноқулай минтақа»га айланмасидан туриб, Тожикистонни тарк этишга ва қўшни Қирғизистондан қўним топишга қарор қилган бўлса, ажаб эмас. Яқин атрофда эса, Боткентдан қулайроқ жой йўқ. Бу туман ҳам ҳаракатланиш қийин бўлган тоғли ҳудудларга бой. Демак, Тожикистон тоғларида орттирилган тажриба учун Боткент қўл келади.

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига тўхталиш жоиз. Жангарилар Ўзбекистон ҳудудига ҳам кириши мумкин эди. Лекин мамлакатимиздаги ҳуқуқ-тартибот посбонлари, юртни қўриқловчи баҳодирлар очиғини айтиш керак, қўшниларимиздан кўра анча хушёр. Айнан шу омил жангариларни ўзларини нисбатан хотиржамроқ тутган қирғизлар юртига боришга ундаганига шубҳа қилмаса бўлади. Бу фикрнинг тасдиғини Қирғизистон Мудофаа вазирининг зиммасига юкланган ишни эплай олмагани учун ўз вазифасидан озод этилгани ҳам тасдиқлайди.

Энди жангариларнинг мақсадига келсак, айрим хорижий оммавий ахборот воситаларида улар Ўзбекистонда «Ислом давлати» қуришни ўзига бош ғоя қилиб олган ҳаракат вакиллари» деб қайд қилинди. Аммо, соғлом фикрловчи ҳеч бир инсон бир ҳовуч жангари билан бутун бир давлатни эгаллаб бўлмаслигини яхши билади. Демак, мақсад — одамларни гаровга олиб, сўнг уларни катта пул эвазига озод этиш, янги лагерлар очиб, қўпорувчилар тайёрлаш, қисқача айтганда, бузғунчилик ва террор. Шундай экан, уларни ҳеч қанақасига оқлаб бўлмайди. Юқорида айтилганидек, бу гуруҳ на муайян мақсадга ва на бирор, яхши ё ёмонлигидан қатъий назар, аниқ ғояга эга. Бу жангарилар шунчаки қуролдан бошқа нарсани ишлата олмайдиган, одам ўлдиришдан бошқа юмушга ярамайдиган каллакесарлар, беватанлардир.

Куни-кеча мамлакатимиз Ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Тожикистон раҳбарияти вакиллари ҳамда Россиянинг РТР телеканали чиқишларига кескин норозилик билдирганига ҳам тўхталиш жоиз. Бунинг сабаби, улар томонидан Қирғизистондаги воқеаларнинг атайлаб нотўғри изоҳланиши эди. Айниқса, Тожикистон томонининг воқеалари ривожини кўриб, жангарилар Қирғизистонга қай йўл билан ва нима учун кирганини била туриб, бунга масъулиятсизларча ёндошгани афсусланарлидир. Таъкидлаш керак, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тожикистонда бир неча йил давом этган фуқаролар уруши ва унинг оқибатида юзага келган аҳвол қўшни давлатларга ҳам таъсир кўрсатмай қолмаслигини, бунинг олдини олишда ҳамжиҳатлик зарурлигини катта минбарлардан катта ташвиш билан гапириб келади. Қолаверса, икки мамлакат ўртасида террорчилик ва наркобизнесга қарши кураш бўйича давлатлараро ҳужжатлар ҳам имзоланган. Тожикистон ҳукумати бир неча бор мамлакатдаги жангариларни қуролсизлантириш, хусусан, ўзини «Ислом лашкарлари» санаб юрган кимсаларга нисбатан чора кўришга даъват қилинди. Аммо, қўшниларимизнинг бу борадаги ҳаракати сустлигича қолаверди. Оқибат — Боткент фожеаси.

Чамаси, Тожикистон ва Россиядан келаётган овозаларнинг негизида оддий ҳасад ётганга ўхшайди.

Ўйлаб кўринг, Тожикистонда ҳукумат билан мухолифат ўртасидаги келишмовчиликларга ҳали тўла барҳам берилгани йўқ, фуқаролар уруши иқтисодиётни издан чиқарган, халқнинг турмуш даражаси паст. Россияда ҳукумат инқирозлари, давлатнинг миллиардлаб ташқи ва ички қарзлари, Доғистон можароси ва бошқа муаммолар ҳукм сурмоқда. Ўзбекистонда эса фақат янгиланиш ва тараққиётни кузатиш мумкин. Буни кўра олмаётган нохолис сиёсатчилар тоғларда дайдиб юрган беватан жангариларнинг Боткентга ҳужумидан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланишга уринаётгани ачинарли. Албатта, қардош Қирғизистоннинг Ўзбекистонга чегарадош ҳудудида юз бераётган воқеалар бизни қаттиқ ташвишга солмоқда. Шундай бир вазиятда биз ҳаммамиз — кенг жамоатчилик, халқимиз ҳушёрлик ва сергаклигимизни янада оширишимиз зарур.

**Анвар БОБОЕВ.**

